



- * Февраль воқеаларининг ташкилотчилари кимлар?
- * “Чимилдиқ”да: Узоқ яшашнинг тилсими.
- * Оқ кўйлакли йигитдан эҳтиёт бўлинг.
- * Отабек бўлиб яшаётган Кумуш.
- * Футболчилар яшил майдонга “сурғун” қилинди.



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 март Чоршанба.
№ 20 (144211)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР АВТОМОБИЛ ЗАВОДИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида 16 март куни эрталаб Самарқанд шаҳрига келди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонларни Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рузиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлни Самарқанд сафари ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий масжид мажмуаси билан танишувдан бошланди. Президентлар алломанинг қабрини зиёрат қилиб, дуои фотиҳа ўқидилар. Туркия раҳбари утган йили аллома таваллуд топганининг 1225 йиллиги муносабати билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди.

С.Демирэл мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган усталар, бунёдкорлар, хорижлик шериклар, мутахассисларнинг залворли меҳнати натижасида қисқа вақт ичида шундай маҳобатли ва муҳташам иншоот қад ростлаганидан ҳайратини яширмади.

Туркиялик меҳмонлар мажмуа эндиликда ислом аҳлининг муборак қадамжоларидан бирига айланганидан мамнуният изҳор этди. Туркия Президенти мажмуа музейи ва кутубхонасини куздан кечирар экан, бундай улуг ишга қул уриш, миллий қадриятларни тиклаш, ажодлар меросини эъзозлаш улар хотирасига чексиз ҳурмат намунаси эканини таъкидлади. «Имом ал-Бухорий бизнинг динимиз, тарихимизнинг буюк намоёндаларидан, халқларимиз, кечмишимизнинг меъморларидандир, деди, жумладан С.Демирэл. «Дона юртбошингиз бошқоқчилигида барпо этилган бу зиёратгоҳни куриб, беҳад қувондим. Чунки утмишга ҳурмат - келажакка булган эҳтиромдир». С.Демирэл мажмуадан олган таассуротларини фахрий меҳмонлар китобига ёзиб қолдирди ҳамда мажмуага беш минг АҚШ доллари ҳадя этди.

Маълумки, мамлакатимизда автомобилсозлик саноати тобора ривожланиб бормоқда. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида тайёрланаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» русумли чиройли, қулай ва ихчам автомашиналар аллақачон жаҳон бозорида уз мақоени эгаллагани бу фикрнинг ерқин далилидир. Улар Ўзбекистоннинг фахри, ифтихорига айланди. Самарқандда ҳам қалбимиз она шундай бахт ва гурур нашидасидан энтикадиган қувончли воқеа юз берди. Бу ерда Ўзбекистоннинг яна бир автомобил заводи иш бошлади. Бинобарин, туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ишга туширилган «СамКочавто» қўшма корхонасининг тақдирот маросими катта тантанага айланди.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР АВТОМОБИЛ ЗАВОДИ ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳамда Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл янги иншоотнинг очилиш маросимида қатнашгани маъқул таъбирга алоҳида руҳ бағишлади.

Президентлар «СамКочавто» қўшма корхонаси фаолияти, цехлардаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишар экан, бу йирик завод икки мамлакат уртасида истиқболли ҳамкорлик, амалий алоқаларнинг маъсули эканини таъкидладилар. Янги заводнинг очилиши халқларимизнинг ҳамжиҳатлиги, абадий дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир дадил қадам, дея баҳоланди. Президентлар заводни айланиб чиққач, рамзий тасмани қирқиб, корхонани расман очдилар. Икки давлат раҳбарлари эндигина конвейердан чиққан янги автобустга дастхат битди.

Таъкидлаш жоизки, янги автомобиль заводи қисқа муддатда қад ростлади. Қўшма Самарқанднинг Сугдиена мавзеи харитасида чинакам муъжиза монанд санъат шаарчаси пайдо бўлди. Қарийб ун икки гектар майдонни эгаллаган корхона, унинг саккиз қаватли маъмурий биноси, атрофида яратилган гузал ва латофатли хиебонга киши ҳавас билан боқадди.

Автомобил заводи қурилишига 1995 йили «Узавтосаноат» уюшмасининг Туркиядаги машҳур «Коч холдинг» компанияси билан имзолаган шартномага мувофиқ киришилган эди. Хорижий компания ва фирмалар уртасида утказилган таллов голиби - Туркиянинг «Дама» фирмаси бунёдкорлари қўриқлида, Германия, Италияда тайёрланган махсус технологияларни урнатилган, монтаж ва безашда уюшқоқлик курсатганини таъкидлаш уринлидир. Улар бутун куч, билим ва маҳоратларини ишга солди. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехларда тайёр автомашиналар ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайе.

«СамКочавто» қўшма корхонасининг тақдимот маросимини Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рузиев кириш сузи билан очди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сузлади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳамда Туркия абадий дўстлиги ва ҳамкорлигини яққол намоян этувчи навбатдаги ушбу катта воқеа мана шундай олий мақомда нишонланаётгани мақсадга мувофиқ эканини айтиб, янги қўшма корхонанинг фаолияти самарали бўлишига ишончи қониқлиги ҳамда унинг маҳсулотлари нафақат Ўзбекистоннинг, балки хорижий мамлакатлар бозорларида ҳам харидор-гир булажанини айтди.

Маълумки, Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигининг мустаҳкамланишида «Коч холдинг» компаниясининг урни алоҳидадир.

«Коч холдинг» гуруҳи уз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатидан Европа еки Американинг энг нуфузли компанияларидан асло қолишмайди. «Бугун Марказий Осиёдаги ягона автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи янги корхонанинг ишга тушаётгани Ўзбекистоннинг нақадар ишончли ҳамкор

эканининг яна бир далolatидир», деди, жумладан, мамлакатимиз раҳбари.

Шунингдек, Ислоҳ Каримов Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори - «Коч холдинг» компанияси юртимизда қўшма лизинг ширкатини ташкил этишда қатнашиш ниятида эканини, бундан ташқари, ҳадемай Самарқанддаги «Сино» заводи неғизда замонавий совутичлар ишлаб чиқариш буйича қўшма лойиҳанинг амалга оширилажаи - умумий қиймати 100 миллион долларлик янги иншоот қад кутаражанини маълум қилди.

Самарқанддаги заводнинг ишга туширилиши билан Ўзбекистонда автомобиль саноатини шакллантириш янги босқичга кутарилди, дейишга тула асос бор. Бу мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда чет эллик ҳамкорлар фаолияти учун ҳар томонлама қўлай замин яратилганининг натижаси, албатта. Бинобарин, «Коч холдинг» сингари жаҳонга танилган компания билан ҳамкорлик урнатилган ижобий самара бериши тайин. Унинг йиллик айланма маблағи йигирма миллиард АҚШ долларига яқин бўлиб, хизматчиларининг сони 42 минг нафардан ошади. Компания таркибида «Тофаш» /«Фиат», Италия/ ва «Карсон» /«Пежо», Франция/ автомобил заводлари, шунингдек, «Арчелик» маиший электр-техника асбоблари заводи борлигининг узи унинг мавқеи қай даражада эканидан далolatидир.

«СамКочавто» қўшма корхонаси заводида йилига минглаб турли русумдаги қўлай ва ихчам автобуслар, турфа хил юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш кузда тутилган. Халқ ҳужалигининг барча жабҳаларида фойдаланиш мумкин бўлган бу машиналарнинг эътиборли жиҳати шундаки, улар «Ивеко» Италия-Испания фирмасининг ихчам конструкцияларига асосланган ҳамда «Коч холдинг» компанияси аъзоси - «Отойул» заводида янада такомиллаштирилиб, Ўзбекистон шароитига мослаштирилган.

Туркия Жумҳурияти, Президенти Сулаймон Демирэл ҳам ушбу янги корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан маросим иштирокчиларини қутлар экан, Ўзбекистонда қисқа давр ичида иқтисодий соҳасида, ислохотларни амалга оширишда катта муваффақиятлар қўлга киритилганини қайд этди. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида қўлаб турк фирми ва компаниялари уз сармоялари билан иштирок этаётганидан мамнуният изҳор қилди. «Туркия Ўзбекистонга ҳаминча омонлик ва осойишталик тилайди», деди, жумладан, Туркия Президенти. У Туркиядаги энг катта санъат гуруҳи ҳисобланмиш «Коч холдинг» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган янги қўшма корхона - «СамКочавто» мамлакатимиз иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирди. Чунки, деди С.Демирэл, «Коч холдинг» компанияси Туркияда ҳам саноатнинг ривожланишида катта рол уйнаган.

Туркия Ўзбекистоннинг доно йулбошчиси Ислоҳ Каримов раҳбарлигида мамлакат иқтисодий ва сиёсий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни эътибор билан қўлаб бормоқда, - деди Туркия раҳбари. - Мамлакатимиз Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда давом этади. Тақдимот маросими сунггида Самарқанддаги «Сино» хиссалорлик жамияти ва «Коч холдинг»

компанияси уртасида янги қўшма корхона тузиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

Сунгра Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлди.

Мамлакатимиз Президенти «СамКочавто» қўшма корхонаси истиқболли ҳақидаги саволларга жавоб берар экан, ҳозирча мазкур заводда тайёрланаётган техниканинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг 25 фоизи узимизда ишлаб чиқарилаётгани, келгуси йилда бу курсаткич 35 фоизга етиши режалаштирилаётгани ва бу жараён изчил давом этишини таъкидлади. Маълумки, Асакадаги автомобиль заводида ҳам дастлаб бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг 15 фоизи маҳаллий корхоналарда тайёрланар эди. Ҳозирга келиб бу курсаткич қарийб 55 фоизга етди.

Матбуот анжуманида Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Жумҳурияти Президенти С.Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳамроҳлигида Бухорога йўл олди. Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими С.Хусенов ва бошқа расмий кишилар қутиб олди.

Президентлар Баҳоуддин Наҳшбандий мажмуи зиёратида бўлдилар. Бу ерда Ислоҳ оламининг буюк намояндаси руҳига Қуръон тиловат қилинди. Туркия Президенти ушбу мажмуани янада ободонлаштириш ва таъмирлаш учун 5 минг АҚШ доллари хайрия қилди.

Шундан сунг меҳмонлар Пойи Калон мажмуасини бориб курдилар. Масжиди Калон зиёратида юртбошимиз мазкур мажмуани таъмирлаш ишлари учун давлатимиз бюджетидан катта маблағ сарфланганини айтди.

Биз дунёвий давлат қураямиз, лекин доимо ота-боболаримиз динига эътиқод қиламиз, уни эъзозлаймиз, - деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. - Тарихий едгорликларимизни таъмирлар эканмиз, уларни юртимизга келган меҳмонларга шунчаки, қуз-қуз қилиш учун эмас, авваламбор динимиз олдидаги бурчимизни адо этиш ниятида ободонлаштирамиз.

Меҳмонлар Нодир девонбеги мадрасасини ҳам зиёрат қилди. Бу ерда ташкил этилган вилоят хунармандлари асарларининг курғазмаси билан танишди.

Шу билан олий мартабали меҳмонларнинг Бухоро сафари ниҳоясига етди. Улар Бухородан Самарқандга келишди.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл Самарқанддан ватанига жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва бошқа расмий кишилар қўлаб олди.

Мамлакатимиз раҳбари шу кун Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президент Ислоҳ Каримовни Бош вазир Уткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов ва бошқа расмий кишилар қутиб олди.

ШУХРАТ УМИРОВ,
АНВАР КАРИМОВ,
ХАМЗА ШУКУРОВ,
ИЛҲОМ САФАРОВ,
УЗА МУХБИРИ.

ТЕРРОРЧИЛИК - ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ УМУМИЙ ОФАТ

Тошкентда оммавий ахборот воситалари томонидан «Февраль воқеалари» деб ном олган машҳур террорчилик хатти-ҳаракатлари содир этилганига қуни-кеча ронна-роса бир ой тўлди.

Ҳўш, ўтган муддат мобайнида жинояткорона ҳаракатларда айбланиб қимлар қўлга олинди? Бу воқеаларда қандай ёвуз кучларнинг қўли бор? Унинг тепасида қимлар турган? Қимлар ташкилотчилару, ижрочи - қимлар?

Айни чоғда ўша воқеалар юзасидан қидирув-тергов ишлари давом этаётганлиги муносабати билан бундай саволларга тўла, очиқ-ошқора жавоб беришга ҳали вақт бор, деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 15 март кун Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида.

Аммо, ўтган матбуот конференциясида ҳам қайд этилганидек, Ўзбекистон Президентининг айтишича, террор ташкилотчилари мамлакатимиздан ташқарида жойлашган ва ўша ёқларда бу қабих ҳаракат миридан-сирингача пухта режалаштириб чиқилган. Ижрочилар эса ўз миллилатдошларимиз, Ўзбекистон фуқароси бўлган қимсалардир. Уларнинг аксарияти бугунги кунда бошқа мамлакатлар ҳудудидан ушлаб келинди. Улар ҳозир, Ислоҳ Каримовнинг ибораси билан айтганда, «шу иш бўйича мутасадди терговчилар томонидан сўроқ қилинмоқдалар».

Шу муносабат билан Юртбошимиз мазкур масалада Ўзбекистонга катта ёрдам кўрсатган қўшни ва ҳамкор давлатларга самимий миннатдорчилик изҳор этар экан, айни пайтда машҳур кўпуровчилик ҳаракатларининг икки нафар ташкилотчиси аниқланиб, улар устидан қидирув ишлари бошланганини маълум қилди.

Улардан бири - Тоҳир Йўлдошев, қачондир Намангандан қочиб кетган, Афғонистон ва Тожикистондаги жанговар ҳаракатларда қатнашган, Покистонда ишончли бошпанаси бор.

Иккинчиси эса - Муҳаммад Солиҳ, Ўзбекистонда илк марта

демократик тамойиллар асосида ўтказилган Президент сайловида номзоди қўйилган, аммо сайловчиларнинг озчилиги овозини олиб мағлубиятга учраган. Афсуски, йиқилган курашга тўймайди, деганларидек, ўзини муҳолифатчи ҳисобловчи бу кимса Ўзбекистонда тўнтариш қилиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида эндиликда Афғонистон ва Тожикистондаги урушларда қўли қонга ботган ёвуз террорчилар билан ўзаро тил топишиб, оғиз-бурун ўпишиб юргани тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд.

Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Тошкентдаги февраль воқеалари ташкилотчилари, тўғрироғи иштирокчилари эканлигини далиллар билан асослайдиган барча зарурий ҳужжатлар Интерполга топширилганлиги ҳақида сўзлар экан Ислоҳ Каримов, Ўзбекистон раҳбари нуфузли матбуот анжуманида мана шундай очиқ баёнот бериш учун буюкисаларнинг машҳур воқеаларда қўли борлигини исботловчи «керагидан зиёд далилларга эга», деди.

Йўлбошчимизнинг фикрича, ҳозирги кунда февраль воқеалари юзасидан тергов ишлари давом этаётган ва керакли миқдордаги далилий-ашёвий материаллар тўпланаяпти. Бундай далилларки, қуруқ эҳтирос ёхуд юзак тахминларгагина суянган ҳолда ҳеч қим, ҳеч қандай талаблар қўя олмайди. Интерполга мурожаат қилганимизнинг боиси шуки, ўша қимсаларни қидиришга киришиши ва топиб бизга топшириши учун ушбу идорага етарли материалларни тўплаб бердик, деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Президентимиз Туркия Президенти жаноб Сулаймон Демирэлнинг халқимизга, ҳукумати-мизга изҳор этган чуқур ҳамдардлиги учун ва умумий душманимиз, жаҳон миқёсидаги умумий офат - террорчиликка қарши курашда исталган пайтда яқиндан ёрдам кўрсатишга тайёрлиги учун мамнуният изҳор этажанини билдирди.

«Туркистон-пресс»

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртларида диншунослик фанини ўқитишда янги йўналиш пайдо бўла бошлади. Бу борада аниқса Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Мазкур билим даргоҳида диншунослик фанини ўқитиш янги концепцияси, диншунослик фани асослари дастури ишлаб чиқилди. Институт ўқитувчилари томонидан «Диний экстремизм таълимотлари» ва «Аҳли суннат эътиқоди ва ваҳобийлик» рисо-лалари тайёрланди.

Шу боис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда «Диншунослик асослари» фани ўқитилишининг бугунги кундаги долзарб масалалари» мавзусида семинар-кенгаш ва бир ҳафталик малака ошириш курси ташкил этгани бежиз эмас. Унга мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари ректорларининг биринчи ўринбосарлари, кафедра мудири ва диншунослик фани бўйича етакчи профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари таклиф этилди. Тадбирни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, академик С.Фуломов очди.

Семинар-кенгашда таъкидланганидек, Президентимиз И-

лоҳ Каримов «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида баъзилар 16 февраль воқеасига, унинг ижрочиларига нисбатан фикр билдираётганида масаланинг моҳиятига тўла тушуниб етмаётганини, бунга уларнинг дин тўғрисида яхши тушуночага эга эмасликлари сабаб бўлаётганини қайд этган эдилар. Буни ёшларимизнинг дин ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслигидан деб изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларида диншунослик фанини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш зарур.

Семинарнинг биринчи кунда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мансуров «Ислоҳда эътироф этилган ва эътироф этилмаган мазҳаблар ҳамда оқимлар», ёзувчи Х.Султонов «Эътиқод ва маънавият» мавзусида маъруза қилдилар. Шунингдек, таниқли олимлар ва дин уламоларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида виждон эркинлигининг кафолатланиши, жаҳон динлари тўғрисидаги чиқишлари тингланди. Семинар қатнашчилари институтининг бу борадаги иш тажрибасини ўрганишга киришдилар.

Б.МАНСУРОВ,
УЗА МУХБИРИ

КУНИНГДАН КЕЧМАТИН, БОЛАЖОН

Яқиндагина тахририятимизга шундай хат келди. Уни лицейда ўқийётган 12 ёшли Зокиржон ёзибди. Мақтубни ўқиди-му титраб кетдим:

"Мен эсимни таниганимдан буён 16 феврални орзиқиб кутардим. Ота-онам, яқинларим ҳам. Шу кун унутилмас онларим — туғилган кунимни зўр хурсандчилик билан нишонлардик. Энди 16 феврални жуда ёмон кўраман. Шу кун қанча бегуноҳ одамларнинг қонини тўқди. Болалар етим қолди. Ёмон одамлар бизга душманлик қилди".

Мурғаккина қалби билан гуноҳкор кимлиги, ёмон одамлар қандайлигини тусунган Зокиржондай болажонларимиз қанча экан. Уша ёмонлар сабаб ўзининг қувончига жой тополмаган бахтли кундан кечмоқчи бўлган болалар-чи? Назаримда, февраль воқеалари биз катталардан кўра, кичикларнинг қалбига ортиқроқ зарба бўлиб кирди. Чунки улар ҳаётларининг ҳар бир кунини тинчлик-хотиржамлик билан, ҳар бир дақиқаларини ўйин-кулги билан ўтказишга ўргангандилар. Ўқ овозларини фақатгина экранлардагина эшитганлар.

16 февраль воқеаларидан сўнг биз ганимлар синовидан ўтдик. Аллоҳга шукрки, ёруғ юз билан, ҳамжиҳатлик билан Президент халқига, халқ эса Йўлбошчисига катта ишонч билан қарашини исботлади.

16 февраль куни ҳар йилнинг ҳисобиди бор. Ниятимиз, 1999 йилнинг тарихида у ўз воқеалари билан муҳрланиб қолсин. Фақат уни хотиралар билан, сергаклик билан эслаб турайлик.

16 февраль куни Тошкент марказида содир этилган жиноят туфайли хатирчилик ўн саккиз ёшли Дилрабо Қолмўминова ҳаётдан кўз юмди.

"Агар ўша куни у Мустақиллик майдонига бормаганида тирик қолармиди?" -- Дилрабонинг ўлими ҳақида эшитганимдан сўнг биринчи бўлиб ҳаёлимдан кечган фикр шу бўлди. Лекин бутун вужудидан ёшлик ғайрати уфуриб турган,

насиға олиб боришгандан хабар топган отаси Асад ака фарзандининг ҳаётини сақлаб қолиш учун жонини беришга ҳам тайёр эди. Зудлик билан Тошкентга етиб келган Хатирчи туман ҳокимининг ўринбосари Ёвқоч Шодмонов ҳам нимаики ёрдам керак бўлса тайёр эди. Лекин жароҳат оғир экан -- шифокорлар Дилрабони олиб қолишолмади. Ўн гулидан бир гули очилмаган бегуноҳ қиз юртимиз осойиш-

АРМОН РАНГИ ҚИЗГАЛДОҚ

мурғаккина қалбига балки ҳеч кимга айтилмаган олам-олам орзуларни жо қилган, софдил қиз буни қайдан билсин. Қайдан билсин, дунёда ўзининг шум ниятига етиш учун Ватанини ҳам, ватандошини ҳам сотиб юборишга, ҳар қандай муқаддас туйғуни топтаб ташлашга тайёр манкуртлар борлигини.

Одамлар дардига малҳам бўлайин, деб тиббиёт билим юртига ўқишга кирган, талабалик йиллари якунига етган сайин қалбини ҳаяжон, орзиқиш эгаллаган қизалоқ ҳасратиди бугун Оналар йиғлайди -- кошкийди бу кўз ёшлар уларнинг дардига малҳам бўлолса. Бу дарддан Оталар қадди букилади -- кошкийди уларга нимадир таскин бўлолса...

Портлаш оқибатида қаттиқ жароҳатланган Дилрабони Тошкент шаҳридаги Нейрохирургия шифохо-

талигига, халқимиз фаровонлигига қарши қаратилган қабиҳлик қурбони бўлди.

Ҳожа юз берган кундан буён роса бир ой ўтди. Бу вақт бизга кўп нарсани ўргатди. Биз мусаффо осмонимиз ҳам, ҳар баҳор қалдирғочлар ин қурадиган пештоқимиз ҳам, бобомиз ўтқазган бир туп чинор ҳам ва ҳатто, қўлига китоб олиб ўқишга кетаётган фарзандларимиз ҳам ганимат эканлигини, уларни ҳимоя қилишимиз лозимлигини англаб етдик. Дилрабонинг ота-онаси, қариндошлари, дўсту дугоналари жиноятчилар албатта жазосини олишига ишонишади. Бунга ҳаммининг имони комил.

... Наврўз келади -- Дилрабонинг куриб улгурмаган қабридан қизгалдоқлар униб чиқади. Улар бизга қонли воқеаларни эслатади, оғоҳликка чорлаб туради.

Жамолiddин ТЎХТАШЕВ,
"Туркистон" мухбири

Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги В.Успенский номли Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати халқимизга етиштириб берган қатор бастакорлари, муғаннийлари ва эстрада қўшиқчилари билан ҳаммамизга яхши таниш. Ушбу билим маскани ўқувчилари бугун нафақат минтақамиз, балки дунё халқларининг ҳам ҳавасини уйғотмоқда. Айниқса, мактабнинг Фазлиддин Хусанов, Дилшод Назаров, Даниэл Халиков каби истеъодларининг халқаро танловларда кетма-кет қўлга киритаётган ютуқлари юртимиз шуҳратини олис элларга ёймоқда.

-- Ҳар бир соҳа, ҳар бир ташкилот вакиллари истиқлол йилларининг самараси ҳақида қанчалар тўлқинланиб гапирсалар, биз мустақиллик даврининг ҳар

бир дақиқасини яна ўн ҳисса кўпроқ кадрласак арзийди, - дейди мактаб-интернат директори Комил ака Зоиров. - Яратганга шукроналар бўлсинки, ўтган етти йиллик давр бизнинг кимлигимизни, ҳақиқий куч-қудратимиз, салоҳиятимиз ва истеъодимизни дунёга танитди. Ҳозир балки эриш ёки сафсатабозликдек туюлар, бироқ ҳақиқатни айтганда, биз, мактабимиз ўқувчилари собиқ иттифоқ даврида ўзбекистонликларга бўлган эътибор нақадар ноҳолисона бўлганлигини жуда кўп бор гувоҳи бўлганмиз. У кунларни бугунги ҳаётимизга таққосласак, қувончдан кўзларимизга ёш келади.

Етти йилдан буён ҳар йили бир гуруҳ ўқувчиларимиз Америка сафарида бўлиб келишмоқда, ўнлаб халқаро танловларда иштирок этишмоқда.

Мактаб-интернатда бугунги кунда республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган 550 нафар ўқувчи таълим олади. Улар учун тўрт маҳал иссиқ овқат, турар жой ва тарбиячилар тайинланган. 200 дан ортиқ ўқитувчилар уларга куй илмидан сабоқ беришади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Тамара Попович, республикада хизмат кўрсатган маданият ходимлари Дилором Омонуллаева, Натал Мендельсон, Марк Зайко, Алла Ким, ўқитувчилар Жумабой Сабуров, Ислон Ғаниев каби устозлар атрофидан бир зум ҳам ўқувчилар аримайди. Бундан ташқари Тошкент Давлат консерваториясида билим ўргатаётган қарийб барча профессор-ўқитувчилар мактаб-интернатда ўриндошлик асосида фаолият кўрсатишади.

-- Мактабимиз қошида услубий марказ фаолият кўрсатапти, - дейди Комил ака. - У ерда асосан республикамиздаги 7 йиллик мусиқа мактаблари ва мусиқа билим юртра-

ри учун мўлжалланган дарслик-қўлланмалар тайёрланади. Билим масканимиз яқинда Республикамиз Маданият ишлари вазирлиги ёрдамида Япониянинг "Ямаха" фирмаси маҳсулотлари - замон талабларига жавоб бера оладиган мусиқа асбоблари билан таъминланди. Бу каби имкониятлар бизни янада маҳсулдорлик билан ишлашга, ижод қилишга ундамоқда.

Мактаб-интернат жамоасининг асосий мақсади ёшларни билимли, мустақил юртнинг онгли, озод та-

ФАҚАТ БИРИНЧИЛИКНИ ОЛАДИГАН МАКТАБ



савурли фарзанди қилиб тарбиялаш, қолаверса, ўз салоҳияти билан, ўз истеъдоди, ўз сози билан Ватан хурриятини мустақамлашга улуш қўшадиган йигит-қизлар қилиб етиштиришдан иборат. Халқимиз қалбига кечирилмас ҳодиса бўлиб қолган февраль воқеаларига ҳам мактаб аҳлининг муносабати шундай: "Агар Ватан учун лозим бўлса, соз ушлаган қўлимизга қурол тутиб ҳам мустақиллигимизни ҳимоя қилишга, юртни ва Президентимизни асраб-авайлашга шаймиз!"

Айни кунларда ўзининг 60 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кўраётган мактаб-интернатнинг қувонч ва ташвишлари талайгина. Муҳими, олдинга қараб силжиш, ҳаракат бор.

Сухбат давомида ойдинлашдики, апрель ойида Берлиннинг "Бах" гимназияси ва Парижнинг Расин номидаги мусиқа лицейи ўқувчилари мактаб-интернатга ташриф буюришаркан.

4 нафар ўқувчи - Нилуфар Алимўхамедова, Таня Гиляздинова, Валентина Ненашьева, Ирина Гулзаровалар Буёк Британиянинг PRO CORDA билим юртига март-июнь ойлари орасида бўладиган қисқа муддатли ўқишга тайёрланапти. Айни кунларда мактаб ўқувчиси, Даниэл Халиков Американинг Питцбург шаҳрида ўтказилаётган скрипкачиларнинг халқаро танловида қатнашаётган экан.

-- Ўқувчиларимиздан умидимиз катта, - дейди К.Зоиров. - Биз фақат биринчи ўринга даъвогармиз ва ҳар доим бунга эришиб келаяпмиз.

Худди шу пайт телефон жинглиди. Бу Даниэлнинг отаси Андрей Халиков эди -- Даниэл халқаро скрипкачилар танловида биринчи ўринни олди!

Бу хушxabар мактабга шундай кириб келди. Бир зумда тарқалди. Ушбу билим маскани яна бир ғолибга бойиди.

Бектемир ПИРНАФАСОВ,
"Туркистон" мухбири

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси қошидаги Ёшлар муаммолари институтида "Бегойим" маркази ташкил қилинган. Унда сиз қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича янги курсларда таҳсил олишингиз мумкин. Бу курсларни битиргач ДИПЛОМ берилади.

Азиз ёшлар, бу ерда сиз:

- Турли хилдаги торт маҳсулотлари
- Пироглар
- Пирожнийлар
- Байрам салатлари
- Уйғур таомларини тайёрлашни қисқа вақт ичида ўрганиб олишингиз мумкин.

Шунингдек марказимизда:

- Саргарошлик
- Косметолог
- Тикиш ва бичиш

Курслари ҳам фаолият кўрсатапти. Бизга ташриф буюринг, АДАШМАЙСИЗ!

ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИ СИЗЛАР
УЧУН ИМПАЎЗЛАМДИР!

Бизнинг манзилгоҳимиз
Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, А. Хидоят
1-тор кўчаси, 4-уй, (собик 77-ётоқхона)
Ёшлар муаммолари институти "Бегойим"
маркази. тел: 46-91-73, 46-91-75, 45-78-34.



ОЛИЙ ТАВАҚА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА
ҮШ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ВА КУБОК ҲАЙИНАЛАРИ

ТАҚВИМ

БИРИНЧИ ДАВРА

I тур. 18 март
“Насаф” -- “Хоразм”
“Зарафшон” -- “Бухоро”
“Андижон” -- “Сўғдиёна”
“Сурхон” -- “Металлург”
“Дўстлик” -- “Пахтакор”
“Трактор” -- “Нефтчи”
“Самарқанд” -- “Навбахор”
“Янгиер” -- “Темирйўлчи”

II тур. 23 март
“Хоразм” -- “Темирйўлчи”
“Насаф” -- “Зарафшон”
“Бухоро” -- “Андижон”
“Сўғдиёна” -- “Сурхон”
“Металлург” -- “Дўстлик”
“Пахтакор” -- “Трактор”
“Нефтчи” -- “Самарқанд”
“Навбахор” -- “Янгиер”

III тур. 28 март
“Зарафшон” -- “Хоразм”
“Андижон” -- “Насаф”
“Сурхон” -- “Бухоро”
“Дўстлик” -- “Сўғдиёна”
“Трактор” -- “Металлург”
“Самарқанд” -- “Пахтакор”
“Янгиер” -- “Нефтчи”
“Темирйўлчи” -- “Навбахор”

3 апрель
Олимпия турнири саралаш учрашуви
Ўзбекистон -- Қирғизистон

IV тур. 6 апрель
“Хоразм” -- “Навбахор”
“Насаф” -- “Сурхон”
“Зарафшон” -- “Андижон”
“Бухоро” -- “Дўстлик”
“Сўғдиёна” -- “Трактор”
“Металлург” -- “Самарқанд”
“Пахтакор” -- “Янгиер”
“Нефтчи” -- “Темирйўлчи”

10 апрель
Олимпия турнири саралаш учрашуви
Ўзбекистон -- Тожикистон

V тур. 13 апрель
“Андижон” -- “Хоразм”
“Дўстлик” -- “Насаф”
“Сурхон” -- “Зарафшон”
“Трактор” -- “Бухоро”
“Самарқанд” -- “Сўғдиёна”
“Янгиер” -- “Металлург”
“Темирйўлчи” -- “Пахтакор”
“Навбахор” -- “Нефтчи”

VI тур. 18 апрель
“Хоразм” -- “Нефтчи”
“Насаф” -- “Трактор”
“Зарафшон” -- “Дўстлик”
“Андижон” -- “Сурхон”
“Бухоро” -- “Самарқанд”
“Сўғдиёна” -- “Янгиер”
“Металлург” -- “Темирйўлчи”
“Пахтакор” -- “Навбахор”

24 апрель
Олимпия турнири саралаш учрашуви
Туркменистон -- Ўзбекистон

VII тур. 30 апрель
“Сурхон” -- “Хоразм”
“Самарқанд” -- “Насаф”
“Трактор” -- “Зарафшон”
“Дўстлик” -- “Андижон”
“Янгиер” -- “Бухоро”
“Темирйўлчи” -- “Сўғдиёна”
“Навбахор” -- “Металлург”
“Нефтчи” -- “Пахтакор”

VIII тур. 5 май
“Хоразм” -- “Пахтакор”
“Насаф” -- “Янгиер”
“Зарафшон” -- “Самарқанд”
“Андижон” -- “Трактор”
“Сурхон” -- “Дўстлик”
“Бухоро” -- “Темирйўлчи”
“Сўғдиёна” -- “Навбахор”

“Металлург” -- “Нефтчи”

IX тур. 10 май
“Дўстлик” -- “Хоразм”
“Темирйўлчи” -- “Насаф”
“Янгиер” -- “Зарафшон”
“Самарқанд” -- “Андижон”
“Трактор” -- “Сурхон”
“Навбахор” -- “Бухоро”
“Нефтчи” -- “Сўғдиёна”
“Пахтакор” -- “Металлург”

15 май
Олимпия турнири саралаш учрашуви
Ўзбекистон -- Қозоғистон

X тур. 18 май
“Хоразм” -- “Металлург”
“Насаф” -- “Навбахор”
“Зарафшон” -- “Темирйўлчи”
“Андижон” -- “Янгиер”
“Сурхон” -- “Самарқанд”
“Дўстлик” -- “Трактор”
“Бухоро” -- “Нефтчи”
“Сўғдиёна” -- “Пахтакор”

XI тур. 23 май
“Трактор” -- “Хоразм”
“Нефтчи” -- “Насаф”
“Навбахор” -- “Зарафшон”
“Темирйўлчи” -- “Андижон”
“Янгиер” -- “Сурхон”
“Самарқанд” -- “Сўғдиёна”
“Дўстлик” -- “Пахтакор”
“Пахтакор” -- “Бухоро”
“Металлург” -- “Сўғдиёна”

29 май
Олимпия турнири саралаш учрашуви
Қозоғистон -- Ўзбекистон

XII тур. 1 июнь
“Хоразм” -- “Сўғдиёна”
“Насаф” -- “Пахтакор”
“Зарафшон” -- “Нефтчи”
“Андижон” -- “Навбахор”
“Сурхон” -- “Темирйўлчи”
“Дўстлик” -- “Янгиер”
“Трактор” -- “Самарқанд”
“Бухоро” -- “Металлург”

XIII тур. 6 июнь
“Самарқанд” -- “Хоразм”
“Металлург” -- “Насаф”
“Пахтакор” -- “Зарафшон”
“Нефтчи” -- “Андижон”
“Навбахор” -- “Сурхон”
“Темирйўлчи” -- “Дўстлик”
“Янгиер” -- “Трактор”
“Сўғдиёна” -- “Бухоро”

XIV тур. 15 июнь
“Хоразм” -- “Бухоро”
“Насаф” -- “Сўғдиёна”
“Зарафшон” -- “Металлург”
“Андижон” -- “Пахтакор”
“Сурхон” -- “Нефтчи”
“Дўстлик” -- “Навбахор”
“Трактор” -- “Темирйўлчи”
“Самарқанд” -- “Янгиер”

XV тур. 20 июнь
“Янгиер” -- “Хоразм”
“Бухоро” -- “Насаф”

“Сўғдиёна” -- “Зарафшон”

“Металлург” -- “Андижон”
“Пахтакор” -- “Сурхон”
“Нефтчи” -- “Дўстлик”
“Навбахор” -- “Трактор”
“Темирйўлчи” -- “Самарқанд”

26 июнь
Олимпия турнири саралаш учрашуви
Тожикистон -- Ўзбекистон

28-июнь
Ўзбекистон Кубоги. 3-босқич.
3 июль
Олимпия турнири саралаш учрашуви
Қирғизистон -- Ўзбекистон

ИККИНЧИ ДАВРА

XVI тур. 1 август
“Хоразм” -- “Янгиер”
“Насаф” -- “Бухоро”

XVII тур. 7 август
“Бухоро” -- “Хоразм”
“Сўғдиёна” -- “Насаф”
“Металлург” -- “Зарафшон”
“Пахтакор” -- “Андижон”
“Нефтчи” -- “Сурхон”
“Навбахор” -- “Дўстлик”
“Темирйўлчи” -- “Трактор”
“Янгиер” -- “Самарқанд”

XVIII тур. 14 август
“Хоразм” -- “Самарқанд”
“Насаф” -- “Металлург”
“Зарафшон” -- “Пахтакор”
“Андижон” -- “Нефтчи”
“Сурхон” -- “Навбахор”
“Дўстлик” -- “Темирйўлчи”
“Трактор” -- “Янгиер”
“Бухоро” -- “Сўғдиёна”

18 август
XXI турнири ўйини
“Навбахор” -- “Насаф”
“Пахтакор” -- “Сўғдиёна”

XIX тур. 21 август
“Сўғдиёна” -- “Хоразм”
“Пахтакор” -- “Насаф”
“Нефтчи” -- “Зарафшон”
“Навбахор” -- “Андижон”

“Темирйўлчи” -- “Сурхон”

“Янгиер” -- “Дўстлик”
“Самарқанд” -- “Трактор”
“Металлург” -- “Бухоро”

XX тур. 25 август
“Хоразм” -- “Трактор”
“Насаф” -- “Нефтчи”
“Зарафшон” -- “Навбахор”
“Андижон” -- “Темирйўлчи”
“Сурхон” -- “Янгиер”
“Дўстлик” -- “Самарқанд”
“Бухоро” -- “Пахтакор”
“Сўғдиёна” -- “Металлург”

29 август
Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун суперкубок. Унда 1998 йилги Ўзбекистон чемпиони “Пахтакор” (Тошкент) Республика кубоги эгаси “Навбахор” (Наманган) учрашади.

3 сентябрь
ОСИЁ КЛУБЛАРИ ТУРНИРИ
Биринчи босқич
Биринчи ўйин
XXI тур. 4 сентябрь
“Металлург” -- “Хоразм”

“Темирйўлчи” -- “Зарафшон”
“Янгиер” -- “Андижон”
“Самарқанд” -- “Сурхон”
“Трактор” -- “Дўстлик”
“Нефтчи” -- “Бухоро”

8 сентябрь
XXIII турнири ўйини
“Пахтакор” -- “Хоразм”
“Навбахор” -- “Сўғдиёна”

XXII тур. 11 сентябрь
“Хоразм” -- “Дўстлик”
“Насаф” -- “Темирйўлчи”
“Зарафшон” -- “Янгиер”
“Андижон” -- “Самарқанд”
“Сурхон” -- “Трактор”
“Бухоро” -- “Навбахор”
“Сўғдиёна” -- “Нефтчи”
“Металлург” -- “Пахтакор”

15 сентябрь
Захира куни
17 сентябрь
Осиё клублари турнири
Биринчи босқич
Жавоб ўйини

XXIII тур. 18 сентябрь
“Янгиер” -- “Насаф”
“Самарқанд” -- “Зарафшон”
“Трактор” -- “Андижон”
“Дўстлик” -- “Сурхон”
“Темирйўлчи” -- “Бухоро”
“Нефтчи” -- “Металлург”

XXIV тур. 25 сентябрь
“Хоразм” -- “Сурхон”
“Насаф” -- “Самарқанд”
“Зарафшон” -- “Трактор”
“Андижон” -- “Дўстлик”
“Бухоро” -- “Янгиер”
“Сўғдиёна” -- “Темирйўлчи”
“Металлург” -- “Навбахор”
“Пахтакор” -- “Нефтчи”

29 сентябрь
Захира куни
XXV тур. 2 октябрь
“Нефтчи” -- “Хоразм”
“Трактор” -- “Насаф”
“Дўстлик” -- “Зарафшон”
“Сурхон” -- “Андижон”

“Самарқанд” -- “Бухоро”
“Янгиер” -- “Сўғдиёна”
“Темирйўлчи” -- “Металлург”

“Навбахор” -- “Пахтакор”
XXVI тур. 9 октябрь
“Хоразм” -- “Андижон”
“Насаф” -- “Дўстлик”
“Зарафшон” -- “Сурхон”
“Бухоро” -- “Трактор”
“Сўғдиёна” -- “Самарқанд”
“Металлург” -- “Янгиер”
“Пахтакор” -- “Темирйўлчи”
“Нефтчи” -- “Навбахор”

13 октябрь
Захира куни
XXVII тур. 16 октябрь
“Навбахор” -- “Хоразм”
“Сурхон” -- “Насаф”
“Андижон” -- “Зарафшон”
“Дўстлик” -- “Бухоро”
“Трактор” -- “Сўғдиёна”
“Самарқанд” -- “Металлург”

“Янгиер” -- “Пахтакор”
“Темирйўлчи” -- “Нефтчи”
22 октябрь
ОСИЁ КЛУБЛАРИ ТУРНИРИ
Иккинчи босқич
Биринчи ўйин
XXVIII тур. 23 октябрь

“Хоразм” -- “Зарафшон”
“Насаф” -- “Андижон”
“Бухоро” -- “Сурхон”
“Сўғдиёна” -- “Дўстлик”
“Металлург” -- “Трактор”
“Пахтакор” -- “Самарқанд”
“Нефтчи” -- “Янгиер”
“Навбахор” -- “Темирйўлчи”

26 октябрь
Захира куни
XXIX тур. 30 октябрь
“Темирйўлчи” -- “Хоразм”
“Зарафшон” -- “Насаф”
“Андижон” -- “Бухоро”
“Сурхон” -- “Сўғдиёна”
“Дўстлик” -- “Металлург”
“Трактор” -- “Пахтакор”
“Самарқанд” -- “Нефтчи”
“Янгиер” -- “Навбахор”

5 ноябрь
ОСИЁ КЛУБЛАРИ ТУРНИРИ
Иккинчи босқич
Жавоб ўйини
XXX тур. 6 ноябрь
“Хоразм” -- “Насаф”
“Бухоро” -- “Зарафшон”
“Сўғдиёна” -- “Андижон”
“Металлург” -- “Сурхон”
“Пахтакор” -- “Дўстлик”
“Нефтчи” -- “Трактор”
“Навбахор” -- “Самарқанд”
“Темирйўлчи” -- “Янгиер”

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ
11 апрель
1-босқич
“Роҳат” -- “Сирғали”
“Семурғ” -- “Орол”
27 апрель
2-босқич

“Косонсой” -- “Насаф”
“Шаҳрихон” -- “Бухоро”
“Истиклол” -- “Зарафшон”
МХСК -- “Навбахор”
“Ситора” -- “Янгиер”
“Семурғ-Орол” -- “Андижон”

“Цементчи” -- “Трактор”
“Машғал” -- “Самарқанд”
“Хива” -- “Дўстлик”
“Кимёгар” -- “Сўғдиёна”
“Қизилқум” -- “Сурхон”

28 май
2-босқич
“Шўрчи” -- “Металлург”
“Шўртан” -- “Нефтчи”
“Роҳат-Сирғали” -- “Пахтакор”
“Тукимачи” -- “Хоразм”
“Ғазалкент” -- “Темирйўлчи”



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Рўзибой ХАМИДОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Вон муҳаррир -- 133-89-61
Кубулхона -- 136-56-58
Хатлар бўлими -- 133-79-69

МАЊИЛИМИЗ:
700053 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 22-ўй
Тахририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин.